**“ТАШВИШ” СИГНАЛИГА ТЕХНИК ҚЎРИҚЛАШ МАРКАЗИ (ТҚМ) ОРҚАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА**

**Ш А Р Т Н О М А № 198**

2022 йил “01” 28 Баликчи тумани

Андижон вилоят Қўриқлаш бошқармаси бошлиги М.Б.Ўринбоев, Низом асосида фаолият юритувчи бундан кейин бир томондан **“Қўриқлаш”** деб номланади, икккинчи томондан Баликчи тумани Мактабгача таьлим бўлими мудири Ф.Абдуразззақова бундан кейин “Буюртмачи” деб номланиб, мазкур шартномани тузадилар:

## 1.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

“Қўриқлаш” ўз зиммасига Баликчи тумани МТБга қарашли Полвонкўл МФЙда жойлашган 3-МТМ, Гулшан МФЙда жойлашган 5-МТМ, Зулфиқор МФЙда жойлашган 10-МТМ, Ўртакўрғон МФЙда жойлашган 13-МТМ, Мумтоз МФЙда жойлашган 16-МТМ, Ўлмас МФЙда жойлашган 18-МТМ, Янги хаёт МФЙда жойлашган 19-МТМ, Сиза МФЙда жойлашган 20-МТМ, Алам МФЙда жойлашган 23-МТМ, Олчазор МФЙда жойлашган 25-МТМ, Дўнгсарой МФЙда жойлашган 29-МТМ, Тулкиобод МФЙда жойлашган 30-МТМ, Серқуёш МФЙда жойлашган 31-МТМ, Сирмоқ МФЙда жойлашган 33-МТМ, Матонат МФЙда жойлашган 34-МТМларни коровулхонасига ўрнатилган 15 та “Ташвиш-тугма” соат 10:00 дан 15:00 гача 5 (беш) соатлик шанба ва якшанба хамда байрам кунларидан ташкари, 15 та шартли бирлик орқали, Марказ МФЙда жойлашган 1-МТМ, Авесто МФЙда жойлашган 7-МТМ, Марказ МФЙда жойлашган 24-МТМларни коровулхонасига ўрнатилган 3 та “Ташвиш-тугма” соат 09:00 дан 17:00 гача 8 (саккиз) соатлик дам олиш кунисиз, 3 та шартли бирлик орқали, Марказ МФЙда жойлашган 4-МТМ, Оққўрғон МФЙда жойлашган 27-МТМ, Эски марказ МФЙда жойлашган 8-МТМ, Жасорат МФЙда жойлашган 12-МТМ, Гўравон МФЙда жойлашган 21-МТМ, Туркистон МФЙда жойлашган 22-МТМ, Сортепа МФЙда жойлашган 32-МТМ ларни қоровулхонасига ўрнатилган 7 та “Ташвиш-тугма” соат 10:00 дан 16:00 гача 6 (олти) соатлик дам олиш кунисиз, 7 та шартли бирлик орқали, Қахрамон МФЙда жойлашган 11-МТМ, Омонариқ МФЙда жойлашган 6-МТМ, Омонариқ МФЙда жойлашган 17-МТМ, Ифтихор МФЙда жойлашган 2-МТМ, Ифтихор МФЙда жойлашган 28-МТМ, Тўда МФЙда жойлашган 9-МТМ, Қумтепа МФЙда жойлашган 26-МТМ, Дўстлик МФЙда жойлашган 15-МТМ, Баркамол МФЙда жойлашган 14-МТМ ва Марказ МФЙда жойлашган МТБларни коровулхоналарига ўрнатилган 10та “Ташвиш-тугма” соат 10:00 дан 17:00 гача 7 (етти) соатлик хар куни, 10та шартли бирлик орқали, “Объект”да ўрнатилган ташвиш-сигнализацияси холатини телефон ёки радиоалоқадан фойдаланиб назорат қилиш мажбуриятини, шунингдек “Объект”нинг ТҚМ назорати даврида у ерга кирган бегона шахсларни қўлга тушириш учун объектдан ташвиш-сигнали берилганда, тезкор харакатланувчи гурух нарядининг тезлик билан етиб келишини назорат қилиш мажбуриятини олади.

## 2. ТОМОНЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 2.1. “Буюртмачи” нинг мажбуриятлари:

**2.1.1.** “Қўриқлаш” тавсиясига биноан ташвиш-сигнализацияси ўрнатиладиган жойларни аниқлайди.

**2.1.2.** Бегона шахсларга ташвиш-сигнализациясидан фойдаланиш ва “Объект”га белгиланмаган шартли рақам хақида маълумот бермайди.

**2.1.3.** Ташвиш-сигнализациясидан фойдаланиш қоидаларига қатъий амал қилади ва унинг схемасига ўзгартириш киритмайди. Унинг носозлиги хақида ўз вақтида “Қўриқлаш”га хабар беради.

**2.1.4.** Кунига камида бир марта ташвиш-сигнализацияси ишлашини синаш учун “Ташвиш” сигналини бериб, синаб кўради. Бунда телефон орқали “Қўриқлаш” олдиндан огохлантирилади.

**2.1.5.** Ташвиш-сигнализацияси уланган телефон алоқаси ва электр таъминоти тармоқларини ўз вақтида таъмирлаш чора-тадбирларини кўради.

**2.1.6.** “Қўриқлаш” га белгиланган тўлов хисоби ва далолатномаси асосида қуйидаги тўловларни амалга оширади:

- “Буюртмачи” айби билан ишдан чиққан ташвиш-сигнализацияси аппаратурасини таъмири учун;
- Фойдаланиш муддати 5 йилдан ошган ташвиш-сигнализацияси аппаратурасини капитал ремонт қилиш учун ташвиш-сигнализацияси фойдаланиш муддати тугаган ёки уни модернизация қилиш учун мавжуд аппаратура ўрнига алмаштириш учун;
- “Буюртмачи” айби билан сохта чақирувларга тезкор харакатланувчи гурух нарядининг хар бир келиши учун ойлик тўловнинг 1 % миқдорида (тўлов миқдори ТҚМ дан буюртмага объектга масофа учун фойдаланилган транспорт ва ёқилғи хисобидан аниқланади).

## 2.2. "Қўриқлаш"нинг мажбуриятлари

**2.2.1.** "Объект"ни "Буюртмачи" ўз маблағлари ҳисобига "Қўриқлаш"га тегишли "Ташвиш" сигнализацияси аппаратлари билан жихозлайди. Ўз ҳисобидан ташвиш-сигнализацияси воситаларини техник хизмати ва таъмирлашни амалга оширади, бундан "Буюртмачи" айби билан вужудга келган носозликлар мустасно.

**2.2.2.** Белгиланган тартибда "Объект"ни назорат қилиш учун қабул қилади ва "Ташвиш" сигнали берилганда қисқа вақт ичида тезкор харакатланувчи гурух наряди етиб келишини таъминлайди.

**2.2.3.** "Буюртмачи"ни "Ташвиш" сигнализациясидан фойдаланишга ўргатади ва уларга йўриқнома беради.

**2.2.4.** Хар бир сохта ташвиш сигнали ишлагани учун далолатнома тузилиб, 1 нусхаси "Буюртмачи"га берилади.

**2.2.5.** "Ташвиш" сигнализацияси аппаратурасидан фойдаланиш 5 йил муддатидан ошса, капитал таъмирлашни амалга оширади.

**2.2.6.** "Буюртмачини"ни "Қўриқлаш" хизмати учун тўлов таърифлари ўзгарганлиги хакида ҳабардор қилади.

**2.2.7.** Қуйидаги холатларда шартноманинг амал килинишини тўхтадади ёки бир томонлама бекор қилади:

а) "Буюртмачи" хизматлар учун тўловдан камида 2 ойлик қарздор бўлса;

б) "Қўриқлаш" мажбуриятларини бажариш учун тўсқинлик қилувчи техник сабаблар (объектга ўрнатилган телефон номери ўзгарган бўлса, тармоқ 2 ёқлама схемага ўтказилса, телефон ўчириб қўйилса, марказлашган қўриқлаш пункти тугатилса) пайдо бўлганда;

в) "Қўриқлаш"га "Буюртмачи" ўзгарганлиги хақида хабардор этилмаган бўлса;

г) Мазкур шартноманинг 2.1.2., 2.1.3., 2.1.4., 2.1.6. бандларида кўзда тутилган қоидалар бузилган бўлса.

**2.2.8.** Агар техник воситалар билан амалга оширишга тўсқинлик қилувчи сабаблар (телефон ўзгарилган бўлса, телефон аппарати носозлиги, электр энергиясининг тўхтатилганлиги, марказий назорат пултларининг алмаштирилиши ёки қайта дислокация қилиниши) пайдо бўлса, "Объект"ни назорат учун қабул қилмайди, бу хақида "Буюртмачи"ни телефон орқали хабардор қилади.

## 3. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ НАРХЛАРИ, ХИСОБ-КИТОБЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

**3.1.** Мазкур шартнома асосида "Буюртмачи" "Қўриқлаш"га кўрсатилган хизматлар учун смета хисоб-китобига мувофик "Объект"нинг назорат остида бўлиши соатбай киймати ҳисобидан бир ойига 18 910 665 (ўн саккиз миллион тўққиз юз ўн минг олти юз олтмиш беш) сўм миқдорида тўловни амалга оширади.

**3.2.** Кўрсатилган хизматлар учун тўлов "Буюртмачи" томонидан хар ойда кейинги ойнинг 5-санасига қадар смета хисоб-китоби ва "Қўриқлаш"нинг мазкур шартномага мувофик 1 ойда амалга оширилган соатбай хизматлар ҳисоби асосида амалга оширилади.

**3.3.** "Қўриқлаш"нинг хизмат кўрсатиш нархлари энг кам иш хақи ўзгарганда, энергия ташувчилар, аппаратура, автотранспорт, алоқа хизматлари нархлари ўзгарганда янги тарифлар киритилиши сабабли қайтадан кўриб чиқилади.

**3.4.** "Қўриқлаш" томонидан кўрсатилган қўшимча хизматлар учун ва жарима тўловлари "Буюртмачи" томонидан "Қўриқлаш" ҳисобини ёки ҳабарномани тақдим этганидан 10 кун ичида пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

**3.5.** Мазкур шартнома бўйича юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар, томонларнинг келишуви орқали ҳал этилади, уларни хал этиш имконияти бўлмаган тақдирда худудий иктисодий судлари оркали кўриш учун берилади.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

### 4.1. "Буюртмачи" нинг жавобгарлиги.

**4.1.1.** Мазкур шартнома бўйича хизматлар учун тўловлар кечиктирилса, кечиктирилган хар 1 кун "Қўриқлаш"га шартнома нархининг 0,4% миқдорида умумий жарима миқдори кечиктирилганда сўмманинг 50% дан ошмаган холда жарима тўлайди.

**4.1.2.** Мазкур шартнома бўйича хизматлар хақини асосланмаган холда тўлашдан бош тортса тўлов миқдорининг 15% миқдорида қўшимча жарима тўлайди.

### 4.2. "Қўриқлаш"нинг жавобгарлиги.

**4.2.1.** "Қўриқлаш" қўриқлаш вақтидан ташқари объектда бегона шахслар томонидан зарар келтирилса, моддий жавобгар ҳисобланмайди.

**4.2.2.** "Буюртмачи"га, ташвиш-сигнали берилганда тезкор харакатланувчи гурух наряди етиб боришлиги таъминланади.

## 5.ФОРС-МАЖОР

**5.1.** Томонлар ихтиёрига боғлик бўлмаган холатларда, фавкулотда холатларда, томонлар ўз имкониятлари ва кучлари билан назорат қила олмайдиган бошка холатларда шартнома шартларини тўлик ёки кисман бажармаслиги тарафларни жавобгарликдан озод қилади.

**5.2.** Куч билан енгиб бўлмайдиган холатлар-сув тошқини, зилзила, ёнғин каби тибиий офатлар, хукумат карорлари, давлат органлари фармойишлари, турли характердаги ҳарбий ҳаракатлар-шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар хисобланади.

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

**6.1.** Мазкур шартнома 1 **йил (бир йил)** муддатга тузилади ва ғазначиликдан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради.

**6.2.**Шартномани бекор қилиш тўғрисида манфаатдор томон, иккинчи томонни бекор қилинадиган муддатдан 60 кун олдин ҳабардор этишга мажбур.

**6.3.** Агар шартнома тузган томонлар белгиланган муддатда шартномани бекор қилиш тўғрисида маълум қилмаса, шартнома автоматик тарзда худди шу муддатга, аввалги шартнома бўйича узайтирилган деб хисобланади.

## 7. Тарафларнинг юридик манзилллари ва банк реквизитлари:

| "ИЖРОЧИ" | "БУЮРТМАЧИ" |
|---|---|
| **Андижон вилояти Қўриқлаш Бошқармаси** | **Балиқчи тумани Мактабгача таълим бўлими** |
| **Манзили:** | **Манзили:** |
| Андижон шаҳри,Миллий Тикланиш кўчаси, 26уй | Андижон вилояти Балиқчи тумани Балиқчи шох кўчаси |
| **Ҳ/Р:** 21596000900278042001 | **Ҳ/Р:** 100022860032067091100251030 |
| **МФО:** 00016 | **МФО:** 00014 ОКНХ 92400 |
| **ИНН:** 200237592 | **ИНН:** 305155579 |
| **Банк бўлими:** Марказий банк ХККМ | **Банк бўлими:** Тошкент ш Марказий банк Молиявий Ягона ғазна хисоб варағи 23402000300100001010 ИНН 201122919 |
| **«Қўриқлаш»** | **«Хўжалик идораси»** |
| **Андижон вилояти Қўриқлаш Бошқармаси бошлиғи** | **Балиқчи тумани Мактабгача таълим бўлими мудири** |
| **М.Б.Ўринбоев** | **Ф.Абдураззақова** |
| "__" ____ 2022 йил | "__" ____ 2022 йил |
| МЎ | МЎ |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY GVARDIYASI
ANDIJON VILOYATI QO'RIQLASH BOSHQARMASI
YURIDIK HUQUQIY EKSPERTIZADAN O'TKAZILDI
2022 yil «28» 01 da
67 RAQAMI BILAN
QAYD ETILDI ________ IMZO

**«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»**
Андижон вилояти Қўриқлаш бошқармаси
бошлиғи подполковник

М.Б.Ўринбоев

«28» 01 2022 йил.

**«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»**
Балиқчи тумани Мактабгача таълим
бўлими мудири

Ф.Абдураззақова

«28» ______ 2022 йил.

Балиқчи тумани Мактабгача таълим бўлимига карашли 1-2-3-4-5-6-7-8-9-10-11-12-13-14-15-16-17-18-19-20-21-22-23-24-25-26-27-28-29-30-31-32-33-34-МТМлар ва МТБ коровулхоналарини Балиқчи тумани Қўриқлаш бўлими **1-2-ТҚМ** томонидан қўриқлаш хизмати бўйича

**С М Е Т А – Х И С О Б И**

| № | Қўриққа олинадиган объектлар номи | Объект номи | Ўрнатилган қўриқлаш хабаргохлари | Қўриқлаш тури | Калит сони | Қўриқлаш вақти (соат) | | | Бир ойлик қўриқлаш соати | Қўриқлаш нархи (сўм) | | Ўрнатилга ҚЁСТ воситалри сони (шартли белги): | Ўрантилга ҚЁСТ воситаларига кўрсатилган хизмат (шартли белги): |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Иш кунлари | Дам олиш ва байрам олди кунлари | Дам олиш ва байрам кунлари | | Бир соат учун | Ўртача бир ойга | Сони | Ўртача бир ойга |
| 1 | 3-МТМ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 10-15 | | | 105 | 3128 | 328440 | 1 | 29547 |
| 2 | 5-МТМ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 10-15 | | | 105 | 3128 | 328440 | 1 | 29547 |
| 3 | 10-МТМ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 10-15 | | | 105 | 3128 | 328440 | 1 | 29547 |
| 4 | 13-МТМ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 10-15 | | | 105 | 3128 | 328440 | 1 | 29547 |
| 5 | 16-МТМ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 10-15 | | | 105 | 3128 | 328440 | 1 | 29547 |
| 6 | 18-МТМ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 10-15 | | | 105 | 3128 | 328440 | 1 | 29547 |
| 7 | 19-МТМ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 10-15 | | | 105 | 3128 | 328440 | 1 | 29547 |
| 8 | 20-МТМ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 10-15 | | | 105 | 3128 | 328440 | 1 | 29547 |
| 9 | 23-МТМ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 10-15 | | | 105 | 3128 | 328440 | 1 | 29547 |
| 10 | 25-МТМ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 10-15 | | | 105 | 3128 | 328440 | 1 | 29547 |
| 11 | 29-МТМ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 10-15 | | | 105 | 3128 | 328440 | 1 | 29547 |
| 12 | 30-МТМ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 10-15 | | | 105 | 3128 | 328440 | 1 | 29547 |
| 13 | 31-МТМ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 10-15 | | | 105 | 3128 | 328440 | 1 | 29547 |
| 14 | 33-МТМ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 10-15 | | | 105 | 3128 | 328440 | 1 | 29547 |
| 15 | 34-МТМ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 10-15 | | | 105 | 3128 | 328440 | 1 | 29547 |
| 16 | 1-МТМ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 09-17 | 09-17 | 09-17 | 243 | 3128 | 760104 | 1 | 29547 |
| 17 | 7-МТМ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 09-17 | 09-17 | 09-17 | 243 | 3128 | 760104 | 1 | 29547 |
| 18 | 24-МТМ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 09-17 | 09-17 | 09-17 | 243 | 3128 | 760104 | 1 | 29547 |
| 19 | 4-МТМ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 10-16 | 10-16 | 10-16 | 183 | 3128 | 572424 | 1 | 29547 |
| 20 | 27-МТМ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 10-16 | 10-16 | 10-16 | 183 | 3128 | 572424 | 1 | 29547 |
| 21 | 8-МТМ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 10-16 | 10-16 | 10-16 | 183 | 3128 | 572424 | 1 | 29547 |
| 22 | 12-МТМ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 10-16 | 10-16 | 10-16 | 183 | 3128 | 572424 | 1 | 29547 |

| | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | [illegible]-МТМ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 10-16 | 10-16 | 10-16 | 183 | 3128 | 572424 | 1 | 29547 |
| [illegible] | 22-МТМ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 10-16 | 10-16 | 10-16 | 183 | 3128 | 572424 | 1 | 29547 |
| 25 | 32-МТМ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 10-16 | 10-16 | 10-16 | 183 | 3128 | 572424 | 1 | 29547 |
| 26 | 11-МТМ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 10-16 | 10-16 | 10-16 | 183 | 3128 | 572424 | 1 | 29547 |
| 27 | 6-МТМ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 10-17 | 10-17 | 10-17 | 213 | 3128 | 666264 | 1 | 29547 |
| 28 | 17-МТМ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 10-17 | 10-17 | 10-17 | 213 | 3128 | 666264 | 1 | 29547 |
| 29 | 2-МТМ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 10-17 | 10-17 | 10-17 | 213 | 3128 | 666264 | 1 | 29547 |
| 30 | 28-МТМ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 10-17 | 10-17 | 10-17 | 213 | 3128 | 666264 | 1 | 29547 |
| 31 | 9-МТМ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 10-17 | 10-17 | 10-17 | 213 | 3128 | 666264 | 1 | 29547 |
| 32 | 26-МТМ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 10-17 | 10-17 | 10-17 | 213 | 3128 | 666264 | 1 | 29547 |
| 33 | 15-МТМ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 10-17 | 10-17 | 10-17 | 213 | 3128 | 666264 | 1 | 29547 |
| 34 | 14-МТМ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 10-17 | 10-17 | 10-17 | 213 | 3128 | 666264 | 1 | 29547 |
| 35 | МТБ | коровулхона | приток | ташвиш | 1 | 10-17 | 10-17 | 10-17 | 213 | 3128 | 666264 | 1 | 29547 |
| | **жами** | | | | 35 | | | | | | 18 910 665 | | |

Кўрсатилган хизмат учун бир ойлик хақи: 18 910 665 ўн саккиз миллион тўққиз юз ўн минг олти юз олтмиш беш сўм

Андижон вилояти Қўриқлаш бошқармаси
МИБ бошлиғи Н.Зулунов

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, ҳужжат коди: RV111776437?

## YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

**№ PT44436753**

1. Loyihaning turi

**Shartnoma**

2. Loyihaning nomi

**"Tashvish" signaliga texnik qo'riqlash markazi (TQM) orqali xizmat ko'rsatish bo'yicha shartnoma**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

**Baliqchi tuman MTB tomonidan 28.01.2022**

4. Mas'ul ijrochi

Baliqchi tuman adliya bo'limi huzuridagi davlat organlari va tashkilotlariga yuridik xizmat ko'rsatish markaziga 2022-yil 28-yanvar kuni "E-Huquqshunos" elektron tizimi orqali Baliqchi tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan Baliqchi tuman MTB bilan O'zbekiston Respublikasi Andijon viloyat qo'riqlash boshqarmasi o'rtasida "Tashvish" signaliga texnik qo'riqlash markazi (TQM) orqali xizmat ko'rsatish bo'yicha shartnoma ekspertizadan o'tkazish va xulosa berishlik uchun kelib tushgan. Shartnomani o'rganish davomida quyidagilar aniqlandi:

"Ta'minotchi" O'zbekiston Respublikasi Andijon viloyat qo'riqlash boshqarmasi nomidan shaxsan M.B.O'rinboyev bir tomondan va Baliqchi tuman MTB nomidan shaxsan F.Abdurazzaqova o'rtasida tuman MTBga qarashli davlat maktabgacha tashklotlariga "Tashvish" signaliga texnik qo'riqlash markazi (TQM) orqali xizmat ko'rsatish bo'yicha shartnoma tuzishga kelishilgan.

O'zbekiston Respublikasining 22.04.2021-yildagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi O'RQ-684-son Qonuni 72-moddasi 2-qismida *yagona yetkazib beruvchidan tovar (ish, xizmat) olish zarur bo'lgan taqdirda, yetkazib beruvchi hamda davlat buyurtmachisi o'rtasida to'g'ridan-to'g'ri shartnoma tuziladi va bu shartnoma to'g'risidagi axborot u tuzilgan paytdan e'tiboran uch ish kuni ichida maxsus axborot portaliga joylashtirilishi lozim* deb belgilangan.

Shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksining 703-moddasida *haq evaziga xizmat ko'rsatish shartnomasi bo'yicha ijrochi buyurtmachining topshirig'i bilan ashyoviy shaklda bo'lmagan xizmatni bajarish (muayyan harakatlarni qilish yoki muayyan faoliyatni amalga oshirish), buyurtmachi esa bu xizmat uchun haq to'lash majburiyatini oladi*, deb belgilangan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra

### XULOSA QILAMAN:

Baliqchi tuman MTB bilan O'zbekiston Respublikasi Andijon viloyat qo'riqlash boshqarmasi o'rtasida "Tashvish" signaliga texnik qo'riqlash markazi (TQM) orqali xizmat ko'rsatish bo'yicha shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonuni hamda Fuqorolik Kodeksining 26-bob Shartnoma tushunchasi va shartlari, 38-bob Haq evaziga hizmat ko'rsatish talablariga va ikki tomon roziligiga asoslanganligi hamda "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi 670-I-son Qarorining 10-13-moddalari talablariga muvofiqligi inobatga olinsin.

**Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.**

**31.01.2022**

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi boshlig'i:** **J.Nazarov**